



СОЛИҚ СОЛИШНИНГ АГРАР СЕКТОР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИРИ ВЛИЯНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ АГРАРНОГО СЕКТОРА

Қудияров Кишибай Раматуллаевич

Қорақалпоқ давлат университети мустақил тадқиқотчиси, PhD, доцент.

Kishibay84@mail.ru. ORCID: 0000-0002-7305-3942

тел. +998 91 305 00 25

THE IMPACT OF TAXATION ON THE PROFITABILITY OF THE AGRICULTURAL SECTOR

Kudiyarov Kishibay Ramatullayevich

Researcher at Karakalpak State University, PhD, associate professor.

Kishibay84@mail.ru. ORCID: 0000-0002-7305-3942

tel. +998 91 305 00 25

JEL classification: H2, H3

Аннотация. Мазкур тадқиқотда аграр секторнинг рентабеллигига солиқ солиш тизимининг таъсири назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида кўриб чиқилган. Тадқиқотнинг мақсади-солиқ солишининг аграр секторнинг молиявий натижасига таъсирини олиб борилган илмий изланишлар асосида ўрганишидир. Тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, назарий ҳамда эмпирик тадқиқотларга илмий ёндашувлар, эксперт баҳолаш, тасвирий статистика, қиёсий таҳлил. Давлат молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари орасида солиқлар алоҳида ўрин тутади, чунки солиқ юки кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, шуни таъкидлаш жоизки, солиқ сиёсати иқтисодиётнинг аграр секторининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун солиққа тортиш тизимларининг хусусиятлари асосий элементлар ва қўллаш шартлари бўйича тақдим

этилган бўлиб, улар асосида қонун томонидан таклиф қилинган имтиёзли режимларнинг етарли даражада ўзгарувчанлигини баҳолаш мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий натижаларига солиқ солишининг оқибатлари, назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида тадқиқ қилинган. Солиқлар воситасида молиявий қўллаб-қувватлаш агарар секторнинг рентабеллигини ошириш орқали инвестицияни рағбатлантириш, меҳнат самарадорлигини ошириш ва ердан самарали фойдаланишини таъминлаш мумкин. Ривожланган мамлакатлар бўйича аграр секторни махсус солиқ солиш режими таҳлил қилинган. OECD мамлакатларининг қишлоқ хўжалигини махсус солиқ режими ва солиқ имтиёзлари типологияси таҳлил қилинган. Ривожланган давлатларда агарар секторни тартибга солиш бўйича солиқ инструментларининг таъсир доираси рақобат муҳитини яратиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, илмий-техникавий тараққиётга инвестициялар суръатини ошириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш сифати ва бандлигини ошириш



каби давлат сиёсатининг йўналишларини ўз ичига олади. Мамлакатлараро қиёсий таҳлил асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омилларини солиққа тортиш тизимларидаги фарқлар аниқланади, бу эса қишлоқ хўжалигининг рентабеллигини ошириш билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилган солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини шакллантириш имконини беради. Таҳлил натижасида тегишли хулосалар шакллантирилган.

Abstract. This study examines the impact of the taxation system on the profitability of the agricultural sector based on theoretical and empirical research. The purpose of the study is to study the impact of taxation on the financial results of the agricultural sector based on the conducted scientific research. The following research methods were used in the work: scientific abstraction, analysis and synthesis, induction and deduction, scientific approaches to theoretical and empirical research, expert assessment, descriptive statistics and comparative analysis. Among the measures of state financial support, taxes occupy a special place, since the tax burden indicators have a significant impact on the profitability of agricultural production. For this reason, it should be noted that tax policy is one of the important factors influencing the competitiveness of the agricultural sector of the economy. The features of taxation systems for agricultural producers are presented by the main elements and conditions of application, on the basis of which it is possible to assess the sufficient variability of the preferential regimes proposed by legislation. The impact of taxation on the financial performance of agricultural enterprises is examined based on theoretical and empirical studies. Encouraging investment by increasing the

profitability of the sector with financial support through taxes can increase labor productivity and ensure efficient use of land. The special taxation regime of the agricultural sector in developed countries is analyzed. The typology of the special agricultural tax regime and tax incentives of OECD countries is analyzed. In developed countries, the influence of tax instruments on the regulation of the agricultural sector covers such areas of state policy as support for the processes of creating a competitive environment, increasing the rate of investment in scientific and technological development, improving the quality of life and employment of rural residents. Based on the cross-country comparative analysis, differences in the systems of taxation of production factors in agriculture are determined, which allows formulating priority areas of tax policy aimed at improving the situation related to increasing the profitability of agriculture. The following conclusions are made as a result of the analysis.

Калим сўзлар: аграр сектор, фермер хўжаликлар, даромад, даромадлилик, солиқлар, солиқ базаси, солиқ солиши, солиқ ставкаси.

Keywords: agricultural sector, farms, income, profitability, taxes, tax base, taxation, tax rate.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги солиқ сиёсати мамлакатга қараб турли шаклларда бўлиши мумкин бўлса-да, улар одатда қуйидаги типологияга бўлиниши мумкин: даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқ; ижтимоий суғурта бадаллари (улар солиқлар, йиғимлар ва суғурта аралашмасидан иборат); иш ҳақидан солиқлар; мол-мулк солиғи (шу жумладан мулкни ўтказиш солиқлари) ва товарлар ва хизматлар солиқлари (шу жумладан, сотувдан солиқ ва ҚҚС) [1].

Ушбу соҳа корхоналарига турли хил солиқ солиш тартиби жорий этилиши, албатта, секторга таъсир кўрсатса-да, солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали бошқа тармоқларга нисбатан ҳам афзалликларга эгадир. Мазкур солиққа оид чора-тадбирлар, агар у қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватловчи секторга дифференциал муносабатда бўлишига олиб келадиган бўлса, бунинг натижасида солиқ тушумлари ёки солиқ харажатларининг бир қисми бекор қилинса, қишлоқ хўжалигига солиқ имтиёзлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳар қандай аниқ солиқ соҳасидаги чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашни баҳолаш учун OECD доирасида қишлоқ хўжалиги солиқ имтиёзлари сифатида қаралади, фақат солиқ имтиёзлари биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги секторига наф келтирса ва у қўлланилиши мумкин бўлган бошқа тармоқларга эмас. Баъзи тез-тез қўлланиладиган имтиёзларга қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: фермерлар даромадига қўлланиладиган махсус солиқ ставкалари; йил давомида даромадларни камайтиришга имкон беради ўртача даромад солиғига рухсат бериш, чунки қишлоқ хўжалиги даромадлари бошқа соҳалардаги даромадларга қараганда анча ўзгарувчан; инвестицияларни рағбатлантириш учун махсус амортизация режими (хусусан, тезлаштирилган амортизация); мулкий солиқларга ҳамда ресурслар ва маҳсулотлар бўйича солиқларга ёки ҚҚСга нисбатан имтиёзли режим. Бироқ, ушбу солиқ режимларини қиёсий таҳлил қилишда, чора-тадбирларнинг баъзилари айрим мамлакатларда қишлоқ хўжалиги имтиёзлари сифатида намоён бўлиши билан мураккабланиши, чунки қишлоқ хўжалигидан ташқари уй хўжаликлари

учун ҳам худди шундай режим мавжуд [1].

Агарда қишлоқ хўжалиги соҳасига кенг қамровдаги солиқ имтиёзларини берилишини ҳисобга оладиган бўлсак, олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий қисми солиқ имтиёзлари таъсирларини ўрганишга қаратилиши лозим бўлсада, бироқ мазкур йўналишда бир нечта тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, қишлоқ хўжалигини солиқ тортишининг алоҳида режимининг қай даражада соҳадаги ишлаб чиқаришга ва самарадорликка таъсир кўрсатишини баҳолаш юзасидан кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Солиқ имтиёзлари даромадларни қўллаб-қувватлаш ва бойлик тўплаш шакли сифатида ҳаракат қилиши мумкин, гарчи унинг самарасини аниқлаш ва миқдорий баҳолаш фундаментал концептуал қийинчиликлар ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради [2]. Бироқ, солиқ солиш, имтиёзли бўладими ёки йўқми, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадлари, ресурслардан фойдаланиш ва инвестиция қарорлари учун муҳим таъсир қилиши мумкин.

Материал ва метод. Қишлоқ хўжалиги даромадлари ва даромадларига солиқ солиш ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий структурасига қараб мамлакатларда фарқ қилади. Қишлоқ хўжалиги ялпи миллий даромаддаги салмоғи туфайли мамлакатда муҳим солиқ салоҳиятини ифодалайди. Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларга қараганда табиий шароитга кўпроқ боғлиқ, қишлоқ хўжалиги даромадларини ҳисоблаш ва даромадларнинг йилдан-йилга тебранишлари боғлиқ техник муаммолар мавжуд. Бу хусусиятлар ва қишлоқ хўжалигининг стратегик мавқеи туфайли қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш ўрганилиши зарур бўлган муҳим



тадқиқот мавзудир. Қишлоқ хўжалиги солиқлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришга қаратилган ва даромадларни белгиланган мақсадларга мувофиқ тақсимлашга таъсир қилувчи муҳим сиёсат инструментлари сифатида қабул қилинади[3]. Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига солинадиган солиқлар (айниқса, қишлоқ хўжалиги экспортига) кўпинча давлат бюджети маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Солиқлар қишлоқ хўжалигидан иқтисодиётнинг қолган қисмига ресурслар ҳаракатини рағбатлантириш учун ҳам қўлланилган. Қишлоқ хўжалигига солиқ солишнинг турли усуллари мавжуд бўлса-да, солиққа тортиш қишлоқ хўжалигининг ўсишини секинлаштирадиган далиллар мавжуд [4]. Ривожланган мамлакатларда (OECD) вазият бутунлай бошқача. Қишлоқ хўжалигига (ва ерга эгалик қилишга) кўшимча солиқ юқини ўтказиш ўрнига, одатда алоҳида ва имтиёзли солиқ режими белгиланган. Ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби, бундай ёндашув секторнинг ҳулқ атворига ва структурасига таъсир қилиши мумкин. Яна бир умумий хусусият шундаки, солиққа тортишнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита шакллари ҳақидаги асосий маълумотлар парчаланган ва унинг оқибатларига оид илмий адабиётлар кам сонли ҳисобланади[5,6,7].

Мавжуд маълумотлар асосида фойданинг стокастик чегараси ҳисоблаб чиқилган ва тўғридан-тўғри фойда солиғидан ҳам, билвосита қўшилган қиймат солиғидан ҳам қишлоқ хўжалик секторининг рентабеллигини ошириш ва барқарорлигига эришишда инструмент сифатида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун иккала солиқ кўрсаткичи ҳам фойда даражасига салбий боғлиқ бўлиб чиқди

ва харажатлар бўйича ҚҚСни қайта кўриб чиқиш орқали самарасизликни камайтириш имконияти мавжуд [8]. Gruzicel ва Raczkowskalar томонидан Европа Иттифоқининг (ЕИ) алоҳида мамлакатларида қишлоқ хўжалиги солиққа тортишнинг асосий тамойилларини кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотда солиқ тизимларининг назарий асослари уларнинг функциялари ва адабиётлар шарҳи керакли белгиланган хусусиятлари контекстида муҳокама қилинган бўлиб, қишлоқ хўжалиги солиқ тизимлари оптималлаштириш ва солиқ рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан тақдим этилган. Қишлоқ хўжалиги солиқ тизимларининг баъзи умумий хусусиятлари қайд қилинган ва уларнинг иккита асосий моделга ажратилган ҳолда (Британия модели ва континентал модел) ушбу моделлар амал қиладиган мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган[9].

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни солиққа тортиш солиқ тизимларидаги ўзгаришларнинг табиий йўналиши ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигига нисбатан амалга оширилаётган солиқ сиёсати солиқ адолатлилиги тамойилидан максимал даражада фойдаланиши таъкидланган. Хусусан, ЕИда қўлланиладиган солиқ қонунчилиги ва структураларининг хилма-хиллиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиш салоҳиятини чекламасдан қишлоқ хўжалиги даромадларига солиқ солиш имконини беради ва кўпинча уларни рағбатлантиради. Алоҳида солиқ тизимларининг шакли кўплаб иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитлар билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги учун махсус солиқ режими солиқ тузилмаси элементлари орқали ифодаланади,

масалан, солиқ солинадиган даромаддан кўрилган зарар ёки инвестиция харажатларини чегириб ташлаш ҳукуки.

Эмпирик таҳлил нуқтаи назаридан, сўнгги иккита тадқиқотларда АҚШда 2017 йилда қабул қилинган "Солиқларни қисқартириш ва иш жойлари тўғрисида"ги (Tax Cuts and Jobs Act-TCJA) қонуннинг эҳтимолий таъсирини ўрганиб чиқилган. Мазкур тадқиқотларда ҳам ушбу қонунни фермер хўжаликларининг солиқ юкига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўп ўлчовли механизмларни ўрганиб чиқди, лекин турли таҳлилий ёндашувлардан фойдаланган. Биринчи эмпирик тадқиқотда солиқ симуляцияси модели асосида АҚШ Ички Даромадлар Хизмати ва Қишлоқ хўжалиги ресурсларини бошқариш тадқиқоти маълумотларидан фойдаланган ҳолда солиқ қонунчилигида ўзгаришларнинг фермерлар даромадига қандай таъсир қилиши кўриб чиқилган [9].

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, агар қонун 2016 йилда кучга кирганида, фермер хўжаликлари учун ўртача самарали фойда солиғи ставкаси 3,3 фоиз пунктга тушиб, 13,9 фоизни ташкил этган бўлиши мумкин эди. Амалга оширилган ҳисоб-китобларига кўра, солиқ ставкалари барча турдаги ва ҳажмдаги фермер хўжаликлари учун пасайган, гарчи бу таъсирларнинг масштаблари ҳар хил бўлса-да. Бундан фарқли ўлароқ, Векман, Горинатх ва Тсигаслар солиқ ислохотининг оқибатлари қонуннинг мумкин бўлган таъсирини баҳолаш учун бутун иқтисодиёт таҳлили зарурлигини таъкидлашиб, Computable General Equilibrium (CGE) моделидан фойдаланган ҳолда қонуннинг таъсирини таҳлил қилишган. Уларнинг фикрича,

"Солиқларни қисқартириш ва иш жойлари тўғрисида"ги қонун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пасайишига олиб келиши мумкин, чунки ресурслар бошқа тармоқларга қайта тақсимланганлиги сабабли, бироқ, фермер хўжаликларининг даромадлари қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган фаолиятдан кўпроқ даромадлар ҳисобига ошиши мумкин[11].

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017 йилги солиқ қонун лойиҳасидан алоҳида, АҚШ ўтказилган кўшимча таҳлил фермер хўжаликларининг иқтисодий рентабеллигидаги турли омилларнинг ролини, шу жумладан, солиқ кредити орқали юзага келадиган йўқотишлар ўрганиб чиқилган. Таҳлил натижалари кўра, амортизация харажатлари учун солиқ имтиёзлари (бу ҳолда тезлаштирилган амортизация қоидалари орқали бевосита харажатлар) фермер хўжаликлари даромадларининг ўзгарувчанлигини камайтиради, чунки амортизация қилинадиган активларга инвестициялар одатда юкори даромадли йилларда содир бўлади, бу эса уй хўжаликларига солиқ юкини камайтириш имконини беради. Умуман олганда, ҳисоб-китобларига кўра, 2015йилда солиққа тортиш мақсадида салбий даромад ҳақида ҳисобот берган деҳқон хўжаликлари ушбу йўқотишлардан ҳар бир уй хўжалиги учун ўртача 2178 АҚШ доллари миқдорида иқтисодий фойда олгани тахмин қилинган[12].

Натижалар. Солиқ солишнинг даромад даражасига таъсирини муҳокама қилишдан ташқари, шунингдек, турли иқтисодчи олимлар, даромад ўзгарувчанлигини юмшатиш учун солиқни ўртача ҳисоблашнинг потенциал афзалликларини кўрсатиб ўтишган (гарчи ҳеч ким бу имтиёзларни аниқ баҳолашга ҳаракат қилмаган бўлса ҳам). Масалан,

Австралия қишлоқ хўжалиги солиқ тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, солиқларни ўртача ҳисоблаш фермерларга бирламчи даромаддаги ўзгаришларни бошқаришда ёрдам беришда фойдали инструментдир [13]. Юқорида айтиб ўтилганидек, солиқ солиш қишлоқ хўжалигининг рентабеллигини ошириш ва барқарорлигига эришишда муҳим инструмент ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини солиқ тизими нисбатан анча қулай бўлган баъзи жиҳатларга бўлиб, бундай солиқ тизими ушбу секторнинг даромадлар даражаси ва рақобатдошлигини оширишда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигига қаратилган солиқ чоралари деярли ўзгаришсиз қолмоқда, масалан, Австралия, Канада, Янги Зеландия ва Буюк Британияда. Шуни таъкидлаш керакки, кузатувлар мамлакатлар умумий тарзда амалга оширган солиқ ислохотларига эмас, балки қишлоқ хўжалигига қаратилган солиқ чоралари билан чекланади. ОЕСДнинг қишлоқ хўжалигини махсус солиқ режими ва солиқ имтиёзлари типологияси асосида куйидагилар баҳоланади.

Даромад, фойда ва капитал ўсишини солиққа тортишда имтиёзли режимида куйидагилар назарда тутилади: солиқ ҳисоботида ҳисоблаш усулидан кўра касса усулини қўллаш; стандарт ёки шартли даромадлар ва харажатлар асосида ҳисобланган солиққа тортиладиган даромадлар билан соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби; қишлоқ хўжалиги фаолиятдан кўра, кўчмас мулк даромадларидан олинadиган солиқлар; солиқ имтиёзлари. Шунингдек, махсус чегирмалар: кичик ёки кам даромадли фермерлар учун солиқ

имтиёзлари; субсидиялар учун солиқ имтиёзлари; айрим маҳсулотлардан олинadиган даромадлар бўйича солиқ имтиёзлари; айрим ҳудудлардан олинadиган даромадлар учун солиқ имтиёзлари; ёш фермерлар фаолиятдан олинadиган даромадлар учун солиқ имтиёзлари.

Умуман олганда, корпоратив даромад солиғи бўйича имтиёзли режим ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзли режимлари қўлланилиши. Хусусан, ер солиғини тўлашдан озод қилиш; солиққа тортиш мақсадларида ернинг бозор қийматидан паст бўлган қийматда баҳоланиши; мол-мулк солиғи учун чегирмали солиқ ставкалари; ердан самарали фойдаланиш ва рағбатлантириш учун ер солиғига чегирмалар; маҳаллий ёки минтақавий бизнес солиқларини тўлашдан озод қилиш; трансферт/сотиб олиш ва давлат божи бўйича имтиёзлар; мерос ва ҳадя учун солиқ имтиёзлари. Товар, хизматлар ва ёқилгини солиққа тортишнинг имтиёзли режими, экологик солиқлар ва қишлоқ хўжалигида тегишли имтиёзлар ҳамда Илмий-тадқиқот ва инновациялар ва қишлоқ хўжалиги сектори томонидан ўзлаштирилиши учун солиқ имтиёзлар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг кенг тарқалган бизнес тузилмаси - бу шахсий даромад солиғи солиғи бўлган мулкдор оилавий фермер хўжалиги (нонокорпоратив бизнес). Масалан, маржинал солиқ ставкалари паст бўлган (15% дан паст) мамлакатлар орасида Швейцария ва Люксембургда бир нечта ставкалар мавжуд бўлса, Чехия, Эстония, Венгрия ва Латвияда даромад даражасидан қатъи назар, ягона даромад солиғи ставкаси мавжуд.

Имтиёзли солиқ режимларининг матрицаси [2]

Мамлакатлар	Даромад солиғи		Фойда солиғи	Ижтимоий таъмино	Мол-мулк			Товар ва хизматлар	бошқалар
	тизим	Ставкалар ва бошқалар			Капитал ўсишига солиқ	Мерос ва ҳадя солиқлари	Активларга йиллик солиқ	Қирим, ҚҚС ва бошқалар	
Австралия		*				*	*	*	
Австрия	*	*						*	
Бельгия	*	*						*	
Канада		*	*		*	*	*		
Чехия		*	*				*	*	
Дания							*	*	
Финландия						*	*		
Франция	*	*		*	*	*	*	*	
Германия	*	*		*	*	*	*	*	
Венгрия			*					*	
Ирландия		*			*	*		*	
Италия	*	*	*	*			*	*	*
Япония		*		*	*	*	*		
Корея	*					*	*	*	
Нидерландия		*			*		*	*	*
Янги Зеландия		*							
Норвегия		*		*	*	*	*	*	*
Польша	*	*		*		*	*	*	
Словакия							*	*	
Испания	*	*					*		
Швеция							*	*	
Швейцария					*		*	*	
Буюк Британия		*				*	*	*	
АҚШ	*	*	(*)			*		*	

Худди шундай, юқори солиқ ставкаси бўлган мамлакатлар орасида Германияда фақат иккита, Буюк Британия ва Нидерландияда учта, Исроил ва Австрияда еттита солиқ ставкалари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги солиқ имтиёзлари юқори умумий кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлишини кутиш мумкин (ва аксинча) аммо далиллар шуни кўрсатадики, бу ҳар доим ҳам шундай

эмас. Мисол учун, Швейцария фермерларга солиқ имтиёзлари бермайди, чунки умумий солиқ ставкалари жуда паст. Шу билан бирга, чехиялик фермерлар даромад солиғи ставкалари паст бўлишига қарамай, даромад солиғи бўйича имтиёзларга эга. Шкаланинг қарама-қарши томонида Голландиялик фермерлар умумий солиқ ставкасини тўлайдилар, бу нисбатан юқори ва

шахсий даромад солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланмайди[14]. Амалда қишлоқ хўжалиги солиқлари харажатларини аниқлашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларга қарамасдан, махсус солиқ режимлар аниқ мавжуд бўлган ёки уларга қарши чиқиш қийин бўлган ҳолатлар кўп. OECD томонидан эълон қилинган рўйхат миллий солиқ қонунчилигидаги махсус режимларнинг кенг доирасини аниқлаиб, уларнинг умумий кўриниши келтирилган (1-жадвал).

Мунозара. Аксарият барча махсус солиқ режимлар секторда қўлланиладиган омилларга, фойдаланилган ресурслар миқдорига ва фермер хўжаликлари ва ер эгаларининг шахсий даромадларига ижобий таъсир кўрсатади. OECDнинг ҳисоботида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун махсус тартиб мавжудлигини аниқлашга ёрдам берадиган имтиёзлар бўлинган гуруҳлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Биринчидан, OECD мамлакатларида фермерлар ва ер эгалари учун солиқ имтиёзларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Имтиёзлар мулкдан олинadиган даромад (капиталнинг ўсишига солинадиган йиллик солиқлар ва активларни ўтказиш солиқлари) ва ишлаб чиқариш ресурсларига солиқ солиш билан боғлиқ. Кўпгина мамлакатларда фермерларнинг шахсий даромадлари (уларнинг нокорпоратив бизнесдан олинган даромадлари ва тегишли ҳолларда бошқа даромадлари) махсус солиқ тизимидан фойдаланган ҳолда солиққа тортилади. Бу одатда ҳақиқий молиявий ҳисоботларга эмас, балки ҳисобланган даромадларга асосланади ва бу кўпинча фермерлар ўртасида бухгалтерия ҳисоби бошқа якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган солиққа тортиш

ўрнатилганда кенг тарқалмаганлигини акс эттиради. Одатда қатъий солиқ ставкаси тизимлари гарчи фойда нотекис тақсимланган бўлса ҳам, бутун сектор учун имтиёзли режимни ифодалайди, деб тахмин қилинади. Агар ушбу тизим фермерларнинг катта қисмига даромад олишда устунлик берса, бундай ҳолатда фермерлар ҳақиқий даромад солиғига ўтказишга уринишларига қаршилиқ кўрсатишлари мумкин. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида қишлоқ хўжалиги даромадларининг сезиларли ўсиши пропорционал ягона солиқ тизими назарда тутадиган солиқ харажатлари кўламини таъкидланади.

Хулоса. Солиқ сиёсати кўпинча ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари, қишлоқ хўжалиги ерларини ўтказиш, инвестициялар, инновациялар ва барқарор ривожланиш натижаларига таъсир кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалигидаги хатти-ҳаракатларга таъсир кўрсатадиган инструмент сифатида фойдаланилади. Айрим ҳолларда солиқ тизими каттароқ мақсадларга эришиш учун бошқа сиёсатларга қўшимча сифатида қўлланилади. Бошқа ҳолларда, бир соҳада солиқлар ёки солиқ имтиёзлари бошқа соҳаларда сиёсат мақсадларига эришишга зид бўлган рағбатларни яратади.

Гарчи кўпгина мамлакатлар ўзларининг солиқ қонунчилиги қишлоқ хўжалиги секторига самарали таъсир кўрсатиш қоидаларини ўз ичига олган бўлса-да, олиб борилган тадқиқотлар келажакда самарали солиқ сиёсатни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Барқарор ривожланиш соҳаси бундан мустасно бўлиб, бунда мониторинг дастурлари билан бир қаторда янги солиқ сиёсати жорий этилади ва даврий таҳлиллар эълон



қилинади. Хусусан, ушбу соҳадаги
сиёсат бўйича тавсиялар бериш учун
ишлаб чиқариш омилларида
самарали фойдаланишга қаратилган

мавжуд солиқ имтиёзларини таҳлил
қилиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. OECD (2005). Taxation and Social Security in Agriculture, OECD Publishing, Paris.
2. Hill, B. and D. Blandford (2007). Taxation Concessions as Instruments of Agricultural Policy, Presented at the Agricultural Economics Society's 81st Annual Conference, University of Reading, UK, <https://ageconsearch.umn.edu/bitstream/7976/1/cp07hi01>.
3. Hayran, S. (2013). Türkiye’de Tarım Kesiminin Vergilendirilmesi – Taxation of Agriculture in Turkey. İğdır Üniversitesi Fen Bilimleri Enstitüsü Dergisi, 3(1), 69-72.
4. Khan, M. H. (2001). Agricultural taxation in developing countries: a survey of issues and policy, Agricultural Economics, 24, 315-328.
5. Black, D. (1938). The Subsidy to British Farming in Respect of Income Tax Duncan Black *Economica*, New Series, Vol. 5, No. 17 (Feb., 1938), pp. 33-44.
6. Clayton, D., Harrison, A. and Hill, B. (1967). Capital Taxation and Land Ownership in England and Wales. Miscellaneous Studies No. 44. University of Reading, Department of Agricultural Economics, Reading.
7. Sutherland, A. (1980). Capital Transfer Tax and Farming. *Fiscal Studies* Vol. 1(2) 51.
8. C. Sayın, R. Ceylan, M. N. M. Yelboğa, M. Özalp, E. İlbasmış, Oya Sav (2017). Impact of Taxation on Price Formation in Agricultural Markets: Example from Antalya Greenhouse Production. *Journal of Agricultural Science*; Vol. 9, No. 6. p.120-130.
9. Gruziel, K., & Raczowska, M. (2018). The Taxation of Agriculture in the European Union Countries. *Zeszyty Naukowe SGGW W Warszawie - Problemy Rolnictwa Światowego*, 18(4), 162–174.
10. Williamson, J. and S. Bawa (2018). Estimated Effects of the Tax Cuts and Jobs Act on Farms and Farm Households, U.S. Department of Agriculture Economic Research Service, <https://www.ers.usda.gov/publications/pub-details/?pubid=89355>.
11. Beckman, J., M. Gopinath and M. Tsigas (2018). “The Impacts of Tax Reform on Agricultural Households”, *American Journal of Agricultural Economics*, Vol. 100/5, pp. 1391-1406.
12. Prager, D., S. Tulman and R. Durst (2018). Economic Returns to Farming for U.S. Farm Households, U.S. Department of Agriculture, Economic Research Service, <https://www.ers.usda.gov/publications/pub-details?pubid=89701>.
13. Boyce Chartered Accountants and S. McCluskey (2016). Tax in Agriculture: A Collaborative Research Project for the Agricultural Sector, Rural Industries Research and Development Corporation of Australia, Wagga Wagga, NSW, <http://www.rirdc.gov.au>.
14. OECD (2020). Taxation in agriculture. <https://www.oecd.org/publications/taxation-in-agriculture-073bdf99-en.htm>.